

Ўзбекистонда қизлар мактабда миллий рўмол ва дўппида бўлишига рухсат берилди



12:00 / 04.09.2021 4123

Қизлар рўмол ва дўппида мактабга келиши мумкин. Бу ҳақда Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов айтишда ўтказилаётган очиқ мулоқот вақтида маълум қилди.

Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов бошчилигида 2021-2022 ўқув йили ташкил этилишига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтмоқда. Унда айтилишича, янги ўқув йилида мактаб ўқувчиларига миллий рўмол ва дўппида бўлишга рухсат берилди.

“Кўпчилик ота-оналарнинг мурожаатларини инобатга олиб, миллий кадриятларимизни инобатга олган ҳолда, қизларимиз учун истисно тариқасида мактабда оқ ва очиқ рангларда миллий рўмол (бошнинг орқа томонига ўралган ҳолатда) ва дўппида бўлишларига рухсат этилади”, дея

маълум қилди вазир.

Manba:Kun.uz